

ҚИЗИҚЧИЛАР НУТҚИДА СЎЗ ҲЙИНЛАРИ ИФОДАЛАНИШИ

Дусматов Хикматулло Хаитбоевич

ФарДУ тилшунослик кафедраси катта ўқитувчиси, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7162180>

АННОТАЦИЯ.

Ушбу мақолада қизиқчилар нутқининг лингвостилистик хусусиятлари ёритилади. Ўзбек миллий сўз ўйинлари, уларни ҳосил қилишнинг усул ва воситалари қизиқчилар нутқи мисолида таҳлил этилади. Шунингдек, мақолада қизиқчилик, аскиячилик, латифа (анекдот)ларнинг хусусиятлари, бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида фикр юритилади.

Annotation. In this article, the linguostylistic features of the speech of amateurs will be covered. Uzbek national puns, methods and tools of their creation are analyzed on the example of amateur speech. Also, the article discusses the features, similarities and differences of curiosity, jokes, and anecdotes.

КАЛИТ СЎЗЛАР.

Қизиқчилик, аския, латифа, сўз ўйинлари, ўзбек миллий сўз ўйинлари.

Key words: Fun, askiya, anecdote, puns, Uzbek national puns.

Ҳажвий мазмундаги ўзбек миллий сўз ўйинлари асосан аския, латифа ва қизиқчиликда намоён бўлар экан, ушбу нутқ кўринишларининг бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатларини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Аввало, шуни айтиш лозимки, аския санъати муайян даражада ўрганилган¹ бўлса-да, ўзбек қизиқчилиги, ўзбек миллий латифалари ҳамон ўзбек тилшунослигининг тадқиқот объектига айланмаган.

Аскиянинг анекдот билан қуйидаги ўхшаш жиҳатлари бор: оғзакилик (аския ва анекдот аксарият ҳолларда оғзаки шаклда мавжуд бўлади), оммавийлик (аския, анекдот жамоатда, кишилар даврасида айтилади), театраллик (аския, анекдотни ҳикоя қилиб бера олиш баъзан актёрлик маҳоратини кўзда тутди), синтетизм (аския, анекдотларда оғзаки ва ёзма ижодиёт ҳамда ижро санъатининг хусусиятлари бирлаштирилади), комизм (аския, анекдотнинг асосий мақсади – кўнгил очиш, завқлантириш)².

¹ Мухаммадиев Р. Аския /Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг жанри/ Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1961. – 174 б.; Дусматов Х. Аския матнининг лингвостилистикаси. Филол. фан. фал. док. (PhD) дисс. – Фарғона, 2018. – 135 б.

² Бу ҳақда қаранг: Дусматов Х. Аския матнининг лингвостилистикаси. Филол. фан. фал. док. (PhD) дисс.

Анекдот аскиядан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади: умумий тарқалганлик (анекдотлар ҳар бир маданиятда кенг тарқалган бўлади, аския ўзбек халқи орасида тарқалган), назоратсиз пайдо бўлиш ва тарқалиш (анекдот ўз-ўзича яралади ва тарқалади, аския сўз усталари (профессионал ва ҳаваскор аскиячилар) томонидан ижод қилинади), вариативлик (анекдот матнлари доимий қайд этилмаган ва маълум омиллар таъсирида мунтазам ўзгариб туради, аския матнларида маълум даражада барқарорлик мавжуд бўлади), анонимлик (одатда анекдот муаллифи номаълум, профессионал саҳнавий аскиянинг муаллифи аниқ)³. Аскияга хос қуйидаги жиҳатлар анекдотда кўзга ташланмайди: мусобақалилик («рақиб»лар бир-бирини мот қилиш учун беллашади), саҳнавийлик (аския саҳнада ижро этилади), махсус тур ва кўринишларга эгалик (аския ўзига хос шаклий-ифодавий турларга эга), гендер хусусиятга эгалик (аския асосан эркакларнинг ижро санъати – «эркаклар ҳаммоми»), сўз ўйини, кўпталқинли шарҳга эгалик (матний кўп маънолилик, параномазия, шаклдошлик, амфиболия, аллофрония асосида шакллантирилади), миллий-маданий ўзига хослик (аския миллий тафаккур маҳсули, миллий жанр)⁴.

Аския ва қизиқчилик ўртасида қуйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд:

№	Хусусиятлар	Аския	Қизиқчилик
1.	Ҳозиржавоблик, экспромт	+	-
2.	Олдиндан тайёргарлик	-	+
3.	Монологик нутқ шаклига хосланганлик	-	+
4.	«Рақиб»ларнинг мавжудлиги	+	+ -
5.	Нутқий баҳс, беллашув	+	+ -
6.	Диалогик, полилогик нутқ шаклига хосланганлик	+	+ -
7.	Сўз ўйинига асосланиши	+	+ -
8.	Ижрочининг кулгуси	+	-
9.	Мурожаат бирликларининг кенг қўлланиши	+	-

авторреф. – Фарғона, 2018. – 24 б.

³ Ўша жойда.

⁴ Юкоридаги манба. -224 б.

Маълумки, омонимлар қаторида полисемантик сўзлар, паронимлар ҳам сўз ўйинлари ҳосил қилишнинг самарали воситалари бўлиб, улар қизиқчилар нутқида кўпинча кулги кўзғатишнинг эффе́ктив воситаси бўлиб хизмат қилади. Мас.:

Мижоз: Ҳеч ким емаган овқатлариз борми?

Официант: Бор, бир ҳафталик овқат бор, ҳеч ким емаяпти.

Мижоз: Ароқ борми?

Официант: Йўқ, б-роқ бор, хоҳласангиз в-роқ бор. Майли сизга қ-роғидан топиб берамиз.

Мижоз: Қатиқ беринг.

Официант: Юмшоқ берсам-чи?

Мижоз: Хоним борми?

Официант: Кечки пайт келишади.

Мижоз: Торт беринг!

Официант: Беш берсам-чи?

Мижоз: Юпқа беринг!

Официант: Қалин бор.

Мижоз: Бўпти, шотни кўрсатиб юборинг!

Официант: Шотти кўрсатайми ё сал нарёғни кўрсатайми?

Мижоз: Йўқ, ҳисобни айтиб юборинг!

Официант: Ҳа, 3:1 Ўзбекистон ютди.

(«Браво» жамоаси)

Сўзлар билан бир қаторда морфемалар ҳам нутқда турли услубий-семантик вазифаларни бажаради. Улардан нутқ тузишда унумли фойдаланиш, айниқса, сўз ўйинларини юзага чиқариш сўзловчининг лингвистик маҳоратидан дарак беради. Масалан, соҳага оид манбаларда -лар кўплик кўшимчасининг услубий маънолари сифатида хурмат, кесатиқ, кучайтириш, таъкид, биргалик, ўхшатиш, хилма-хиллик, жамлик, тасвирийлик, ифодавийлик каби маънолари изоҳланади. Лисоний далиллар таҳлили шундан далолат берадики, кўплик кўшимчаси юқоридаги маънолари билан бирга, ҳажв яратиш учун ҳам хизмат қилади:

– Мулло Суннатилло, H₂O нима?

– H₂O, домлажон, H₂O – **ўзлари** H₂O-да. (теле ҳажвия)

Хурмат маъносида қўлланувчи -лар кўшимчаси кулги кўзғатувчи восита сифатида латифалар матнида ҳам учрайди:

Марғилонлик эр-хотинлар қўрқинчли (ваҳший, ужас) кино кўриб ўтирганларида бир ваҳший одамхўр бошқасига яқинлашганда, келин эрига

қараб дебди: “вой, ҳозир бу киши мана бу кишини еб қўядилар”. (ижтимоий тармоқдан)

Қизиқчилар ўз нутқида **синкретик сўз ўйини**дан ҳам фойдаланадилар. Ушбу сўз ўйинида бирдан ортиқ лингвистик ҳодисалар қоришиб кетади. Қуйидаги мисолда полисемантик ва полифункционал сўзнинг контекстда турли маъно ва вазифада келиб, уларнинг қоришиб кетганлигини кўришимиз мумкин:

Мен депутат бўлсам, роҳат-фароғатда яшайсизлар, деб ваъда берган депутат образида қизиқчи Ғайрат Ахмедов чойхонада дам олиб турганида бир сайловчи келиб норизолик оҳангида:

– Сиздан бита нарса сўраб олсам майлими, - дейди.

– Майли сўрайверинг.

– Сиз о-о сайланаётганингизда мени сайласанглар, роҳат-фароғатда яшайсизлар дегандиндиз. Тўғрими?

– Тўғри.

– Энди-чи? Ҳозир нима бўляпти?

– Ҳаҳ, айтингчи, мен депутат бўлиб сайланмасдан олдин, улар қайси кўчада яшар эди?

– Механизаторлар кўчасида.

– Ўлманг, ўлманг! Ҳа, ҳозир-чи? Кўчаларингизнинг номи нима?

– Ҳозирми? «Роҳат-фароғат».

– Хўш, қаерда яшаяпсизлар экан?!

Матнда қўлланган роҳат-фароғат жуфт сўзи тўкин-сочинлик, фаровонлик маъносида ва кўчанинг номи маъносида қўлланган бўлиб, бир пайтнинг ўзида равиш ҳоли ва ўрин ҳоли вазифасини бажармоқда. Бошқа нутқ кўринишида бирон бир сўз контекстда фақат бир гап бўлаги вазифасида келса, сўз ўйинларини ҳосил қилишда айрим тил бирликлари бирдан ортиқ гап бўлаги вазифасида қўлланиши эътиборлидир. Чунки сўз ўйинини ҳосил қилишда меъёрийликдан чекиниш, сўзларни атайлаб кўпталқинли тарзда қўллаш лозим бўлади. Мана шу жиҳати билан сўз ўйинлари матни бошқа нутқ кўринишларидан кескин фарқ қилади. Сўз ўйинининг ушбу семантик-синтактик-стилистик хусусиятлари, айниқса, аския санъатига хосдир.

Қизиқчилар ўз нутқида кулги қўзғатувчи усуллар орасида **услубий синтагмалаш** усулидан кўпроқ фойдаланадилар. Услубий синтагмалаш усулида сўзларни бўлиб талаффуз қилиш ҳамда тўхтам (пауза) алоҳида стилистик қимматга эга бўлади:

– Халқдан пул олса-чи?

– **Ҳо-о-о** кимлигини айтмайман.

- Дарахт кесса-чи?
- **Ҳо-о-о** кимлигини айтмайман.
- Уй бузза-чи?
- **Ҳо-о-о** кимлигини айтмайман.
- Э-э, бўлди қилинг-е. Нимага айтмайсиз, хўжайин? Айтинг унда, тушунтириб беринг-чи.
- Жиннимисан, қамалиб кетаман-ку. (“Аристократлар” жамоаси)
Ушбу ҳажвий матнда сўз ўйини катта ижтимоий-лисоний вазифа бажарган. Диалогик нутқда асосий мақсад ҳокимларнинг жамиятдаги қинғир ишларини фош қилишга қаратилган: “Ҳооо кимлигини айтмайман” гапининг асосий мазмуни “ҳокимлигини айтмайман” (ҳоким эканлигини айтмайман) бўлиб, фикр алюзив тарзда сўз ўйини воситасида юзага чиқарилганлиги ўзига хос тарзда бир кулги қўзғатишга хизмат қилган. Хуллас, ўзбек миллий қизиқчилиги санъатида сўз ўйинлари хажв яратиш учун асосий услубий восита бўлиб хизмат қилади. Қизиқчилар нутқда сўз ўйинларидан фойдаланиш тингловчиларга эмоционал-эстетик завқ бағишлаб, фикрнинг таъсир кучини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Qizi, Q. S. S. (2022). SO'Z USTALARI NUTQIDAGI AYRIM KULGI QO'ZG'ATUVCHI USUL VA VOSITALAR HAQIDA. Ta'lim fidoyilari, 22(7), 458-461.
2. Дусматов, Х., & Зоитова, Ш. (2022, May). ЛЕГЕНДЫ «ОЛТИН БЕШИК» («ЗОЛОТАЯ КОЛЫБЕЛЬ») И «САНГИ ОЙНА» («КАМЕННОЕ ЗЕРКАЛО»): ИСТОРИЧЕСКАЯ ПРАВДА ИЛИ ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ВЫМЫСЕЛ. In Интеллектуальное наследие Захириддина Мухаммада Бабура и современность. Сборник статей и тезисов докладов Международной научно-практической конференции 28 февраля 2020 г. (p. 163). Litres.
3. Dosmatov, H. H., & Ibragimova, E. I. (2021). LINGUISTIC PHENOMENA ASSOCIATED WITH WORD GAMES. Theoretical & Applied Science, (5), 108-111.
4. DUSMATOV, H. H., & HUSANOVA, M. (2021). Some stylistic events expressed in Uzbek anecdotes. THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука, (12), 505-508.
5. Dosmatov, H. H., & Ibragimova, E. I. (2021). LINGUISTIC PHENOMENA ASSOCIATED WITH WORD GAMES. Theoretical & Applied Science, (5), 108-111.
6. Дусматов, Х. Х. (2017). Об узбекском искусстве игры слов. Путь науки, (3), 37.